

### Ортопедик даволашда, штифтли конструкцияларни қўллашнинг клиник-дифференциал ёндашуви

Тошкет давлат тиббиет университети  
Ортопедик стоматология пропедевтикаси кафедраси ассистенти  
Бобожонова Шахноза Халимжоновна

#### Аннотация

Эндодонтик даволанган тишларни ортопедик реставрация қилишда штифтли конструкцияларни қўллаш клиник амалиётда кенг тарқалган усул ҳисобланади. Бироқ илдиз каналлари морфологияси, каттик тўқималарнинг сақланган ҳажми ва функционал юкламаларнинг фарқлилиги турли клиник ҳолатларда штифт танлашда ягона стандарт ёндашувдан фойдаланиш имкониятини чеклайди. Шу боис, ҳар бир бемор учун штифт турини ва конструкциясини танлашда дифференциал ёндашув муҳим аҳамиятга эга.

#### Мақсад

Ортопедик даволашда штифтли конструкцияларни қўллаш, илдиз каналлари ҳолати, морфологик ва биомеханик омилларни инобатга олган ҳолда клиник-дифференциал ёндашувнинг самарадорлигини таҳлил қилиш.

#### Кириш

Замонавий ортопедик стоматологияда девитализация қилинган ва тож қисми қисман ёки тўлиқ йўқолган тишларни сақлаб қолиш ва тиклаш муҳим. Бундай ҳолатларда штифтли конструкциялар тишнинг механик барқарорлигини таъминлаб, чайнаш юкласини илдиз бўйлаб тенг тақсимлаш имконини беради. Шунингдек, эстетика талабларига мос равишда турли материаллардан тайёрланган штифтлар қўлланилиши мумкин.

#### Материаллар ва усуллар

Тадқиқотда девитализация қилинган тишлар бўйича куйма металл, керамик ва шиша толали штифтли конструкциялар клиник ва лаборатор синовлар орқали таҳлил қилинди. CAD/CAM технологиясида индивидуал штифт-ўзак конструкциялари тайёрланиб, улар анъанавий усуллар билан солиштирилди. Тадқиқот натижалари штифт турларининг механик барқарорлиги, эластиклик модули ва клиник самарадорлигини баҳолашга имкон берди.

#### Натижалар ва муҳокама

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, шиша толали штифтлар биомеханик жиҳатдан илдиз тўқималарида юкламани тенг тақсимлаб, илдиз ёрилиши хавфини камайтиради. Керамик штифтлар юқори эстетик талаб қўйиладиган ҳолатларда самарали, бироқ юқори механик юкламаларда эҳтиёткорлик талаб қилади. Куйма металл штифтлар катта юклагама дуч келадиган орқа тишларда қўлланилиши мумкин, аммо илдиз тўқималарида асоратлар хавфини ошириши мумкин.

#### Хулоса

Клиник-дифференциал ёндашув орқали ҳар бир тиш учун штифт турини ва конструкциясини оптимал танлаш, ортопедик протезларнинг узоқ муддатли барқарорлигини ва эстетик самарадорлигини таъминлайди. CAD/CAM технологияси эса индивидуал штифтларни юқори аниқликда тайёрлаш имконини бериб, анъанавий усулларга муваффақиятли альтернатив сифатида хизмат қилади.

#### Калит сўзлар

штифтли конструкциялар, клиник самарадорлик, дифференциал ёндашув, CAD/CAM, биомеханика,